O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TOSHKENT VILOYATI
OQQO`RG`ON TUMANI
H O K I M I

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ТАШКЕНТСКАЯ ОБЛАСТЬ
Х О К И М
АККУРГАНСКОГО РАЙОНА

Q A R O R
РЕШЕНИЕ

«6» сентября 2019 yil 616 - son Oqqo'rg'on sh.

Қишлоқ хужалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги ПҚ-3699-сон Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги "Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат ҳавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ва "Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низом (рўйхат рақами 2452, 2013 йил 25 апрель) (Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 17-сон, 229-модда) ижросини таъминлаш мақсадида,Ўзбекистон Республикаси "Махаллий давлат хокимияти тўғрисида"ги Қонуннинг 6 моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси 1993 й. 9-сон 320-модда) асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги мулкчилик шаклидан қатъий назар (туман Мудофаа бўлими, туман Ички Ишлар бўлими, тумани Миллий ҳавфсизлик хизматидаги ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида банд бўлмаган техникалар бундан мустасно) қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини 2019 йил учун йиллик техник кўрикдан ўтказиш мақсадида туман ишчи гуруҳи таркиби **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Тумандаги мулкчилик шаклидан қатъий назар корхона, ташкилот ва фермер хўжаликларидаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларнинг, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини йиллик техник кўрикдан ўтказиш **2-иловага** мувофик тасдиқлансин.

3. Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларини, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини йиллик техник кўрикдан ўтказиш жорий йилнинг 1 августига қадар тугатилсин.

4. Ушбу қарор ижросини таъминлаш ва техник кўрикдан ўтказиш учун пул йиғимлари қонун хужжатларида белгиланган тартибда ундирилишини таъминлаш Инспекциянинг Оққўрғон туман бўлими техника ҳолати ва агротехник тадбирлар устидан назорат қилиш шўъбаси инпекторлари А.А.Убаев ва Н.Н.Худойбердиевлар зиммасига юклатилсин.

5. Оққўрғон туман ҳокимининг 2018 йил 16 январдаги 9-сон "Тракторлар, трактор тиркамалари, мелиоратив техника ва ўзи юрар машиналар, қишлоқ хўжалиги машиналари, машина-трактор парклари, устахона ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини 2017 йил учун мажбурий йиллик техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида"ги карори ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

6. Мазкур қарор расман эълон қилингандан сўнг қонуний кучга кириши кўрсатиб ўтилсин.

7. Мазкур қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг Қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Ш.Зухриддинов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Ф.Омонов**

Оққўрғон тумани хокимининг
2019 йил "6" "сентябрь" даги
616" - сон қарорига
1-ИЛОВА

Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларини, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш туман ишчи гурухи

ТАРКИБИ

Гурух раҳбари:

Инспекциянинг Оққўрғон туман бўлими
техника ҳолати ва агротехник тадбирлар
устидан назорат қилиш шўъбаси инспекторлари — А.А.Убаев

Н.Н.Худойбердиев

Гурух аъзолари:

Туман Фермерлар Кенгаши раиси — Ш.Мухторов

Туман Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими
бошлиғи ўринбосари — А.Тюмачев

"Оққўрғон Агросервис МТП"

МЧЖ раҳбари — У.Абдураимов

Оққўрғон тумани ҳокимининг
2019 йил "6 февраль" даги
"616 - сон қарорига
2-ИЛОВА

Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларини, шунингдек машина-трактор парклари,устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш

Ж А Д В А Л И

№	Ҳудуд номи	Ўтказиладиган муддати	Жавобгар шахс
1	Қахрамон ҳудуди	04.02.2019	М.Ортиқхўжаев
2	Маданият ҳудуди	04.02.2019	З.Мавутов
3	Гулистон ҳудуди	05.02.2019	Х.Жўрабеков
4	Ўзбекистон ҳудуди	05.02.2019	Э.Буркитбоев
5	Озод ҳудуди	06.02.2019	З.Мусабеков
6	Султонобод ҳудуди	06.02.2019	Ў.Йўлдошев
7	А.Навои ҳудуди	07.02.2019	М.Абубакиров
8	Х.Олимжон ҳудуди	07.02.2019	С.Абдуазимов
9	Қонқа ҳудуди	08.02.2019	Х.Чинтошев
10	Оққўрғон ҳудуди	11.02.2019	Ш.Бабалиев
11	С.Сегизбоев ҳудуди	11.02.2019	А.Тожибоев
12	Охунбобоев ҳудуди	12.02.2019	Ш.Бердиқулов
13	А.Икромов ҳудуди	12.02.2019	Б.Холматов
14	"Оққўрғон Агросервис МТП" МЧЖ	13.02.2019	У.Абдураимов
15	"Агрокимёхимоя" ХАЖ Оққўрғон туман филиали	20.02.2019	З.Чинтошев
16	Оққўрғон туман фермер хўжаликлари	Хар куни	Мулк эгаси
17	Шахсий техникалар	Хар куни	Мулк эгаси